

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
“Фалсафа ва маънавият асослари” кафедраси

РЕФЕРАТ

Мавзу: “Табиат - жамият – инсон” коэволюцияси

Мерзаев И.
Абдукаримова Г.

Тошкент 2014 йил.

“Табиат - жамият – инсон” кооэволюцияси.

**Мерзаев И.
Абдукаримова Г.**

Табиат тушунчаси тор маънода Ер деб аталган ва Қуёш системасига кирадиган шу планетани англатади, кенг маънода эса, бизни куршаб турган Галактика, ундаги бизнинг қуёшимиздек, ундан кичик ва жуда катта миллиардлаб юлдузлар, шунингдек, бошқа мегагалактикаларни англатади. Демак, олам маъносида табиат чексиз-чегарасиз бўлиб, у ҳар жиҳатдан тартибли яхлит системадир. Фан нуқтаи назаридан моддий нарсаларнинг барчаси ўз - ўзидан мавжуд ва ўз - ўзидан доимий ҳаракатда, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб туриш жараёнида мавжуддир. Илм-фан оламдаги кўзга кўринган ва кўринмайдиган барча моддий нарса (жисм)ларни битта атама – метерия категорияси билан ифодалайди.

Синергетика нуқтаи назаридан барча нарса, ҳодиса, жараёнлар тартибсиз (Хаос, йўқлик) ҳолатидан ҳаракат натижасида тартибли бир системаларга келиб, муайян қонуниятли ҳаракатга эга бўлиб қолади. Хаос – йўқлик, тартибсизликдан (бу ҳам материя ҳаракатининг бир кўриниши) Коинот $1,5 \cdot 10^{10} - 2 \cdot 10^{10}$, яъни 15-20 миллиард йил муқаддам ўз-ўзидан вужудга келиб, етарли структурага эга бўлмаган нарсалардан янги- янги структурали жисмлар пайдо бўлган. Аммо бу тартибга тушган нарсаларда барқарорлик ва беқарорлик ҳолатлари содир бўлиб туради.

Космик жисм бўлган Ер тахминан бундан 6-6,5 млрд. йил муқаддам ўз - ўзидан вужудга келган, 3,8 млрд йил муқаддам Ерда ҳаёт аломатлари пайдо бўлган. Тириклик соҳаси тараққиётининг маълум бир босқичида дастлабки ибтидоий одамлар 3-5 миллион йил муқаддам бир тур сифатида ўз - ўзидан пайдо бўлган ва ҳозирги физиологик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган

одам зоти – Homo sapiens - Ақлли инсон бундан 50-40 минг йиллар олдин вужудга келган. Бу типдаги одам мия ярим шарларида ривожланган нутқ тили марказининг вужудга келиши натижасида унинг хотираси ва тафаккури илгариги одамтипларидан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган ҳолга келган. Натижада одамлар гала-гала бўлиб яшашдан жамоа-жамоа бўлиб ҳаёт кечиришга ўта бошлашган. Одамзотнинг шу тариқа жамият бўлиб яшашга ўтиши оқибатида ер юзасида Ақл соҳаси – Ноосфера вужудга келиб, биосферага у фаол таъсир кўрсата бошлади. ИТТ ва ИТИ натижасида «табиат – жамият - инсон» кооэволюцияси бузила бошлаб, эндиликда Ер деб аталган табиатни яна хаос ҳолатига қайтариш хавфини юзага келтирмоқда. Ақл туфайли содир бўлган бу хавфнинг олди фақат инсон тафаккур тарзини ўзгартириш ва Ақлни оқилона ишлар томон буриб юбориш орқалигина ҳал этилиши мумкинлигига олимлар эътиборни қаратмоқдалар. 1924 йил Париждаги илмий симпозиум (анжуман)да рус олими В.Вернадскийнинг биосфера тараққиёти тўғрисидаги Концепцияси муҳокамасида француз олими Э.Леруа «Ноосфера» атамасини биринчи бўлиб қўлади. Бу термин турли талқинга эга бўлса-да, Ақл соҳаси сифатида содда таърифлаш кенг тарқалган. Аслида Ноосфера биосферанинг шундай бир ҳолатики, биосферани Ақл ёрдамида инсоният умумий манфаатларига мувофиқ ривожлантириш, унинг истиқболини жиддий ўйлаб, янги дунёқарашни шакллантириш жараёни бошланишини англаб етишдир. Бунга кўра, илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ва айниқса илмий техника инқилоби (ИТИ) шароитида Она-табиатни асраб - авайлаш учун инсоният масъулияти ниҳоятда ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ялпи умумий ҳаракат йўналиши белгилаш заруратини билиб олишдир.

Ушбу курсда «табиат-жамият-инсон» кооэволюциясини сақлаб қолиш, уни янги юқори босқичга кўтаришда ҳар бир одам, одамлар уюшмалари фаолиятида, давлатлар геосиёсатида жиддий ўзгаришлар бўлиши, мафкураларнинг асосий йўналиши инсонпарварлик руҳини қарор

топтиришга қаратилиши тўғрисида билим берадики, уни англаб олиш ҳозирги замондаги ҳар бир мутахассис учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Адабиётлар

1. Основи философии. Под редакцией М.А.Ахмедовой и В.С. Хана. – Т.: МЕҲНАТ, 2004. – 495ст.
2. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2005. – 381б.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Т., 2005. – 388б.
4. Аҳмедова М. Фалсафа. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006. – 495б.
5. Билиш фалсафаси. Қ.Назаров таҳрири остида. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2006.